

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAḤKAMASINING
ҚАРОРИ

63 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ–1432-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 10 декабрдаги 291-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ–1432-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 10 декабрдаги 291-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 18 февраль,
42-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 18 февралдаги 42-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгаришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низом 55-бандининг олтинчи хатбошидаги «Мактаб таълими жамғармаси» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбошидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорининг 9-бандидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низом 9-бандининг иккинчи хатбошидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» 2004 йил 30 ноябрдаги 560-сон қарорининг 7-бандидаги «ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбе-

кистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловада:

а) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилишга, мактаб таълими дастурларини амалга оширишга» сўзлари «академик лицейлар, касб-хунар коллежларини ва умумтаълим мактабларини қуриш ва реконструкция қилишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 34-банднинг учинчи хатбошидаги «академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш, мактаб таълими дастурларини амалга ошириш» сўзлари «академик лицейлар, касб-хунар коллежларини ва умумтаълим мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 20 мартдаги 79-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 31-модда) билан тасдиқланган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловадаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Мактаб таълимини ривожлантириш. 2-босқич» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 9 сентябрдаги 258-сон қарори 7-бандининг биринчи хатбошидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-илова 1-бандининг 1.3-кичик бандидаги «Мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-илова IV бўлими 4.1-бандининг 4.1.3-кичик бандидаги «Мактаб

таълими жамғармасига» сўзлари «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 18 февралдаги 42-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотаётган баъзи қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 52-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2004 — 2009 йилларда мактаб таълими-ни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори 4-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2004 йил 21 октябрдаги 493-сон қарори 5-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига 32-илованинг 13-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори)» 2008 йил 28 январдаги 16-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 1-сон, 3-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 21 декабрдаги ПФ-4158-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори)» 2010 йил 17 февралдаги 22-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 8-модда) илованинг 7-банди.